

**НЕФТЬ ВА ГАЗ КОНЛАРИ ГЕОЛОГИЯСИ ҲАМДА ҚИДИРУВИ
ИНСТИТУТИ, ЎЗБЕКИСТОН НЕФТЬ ВА ГАЗ САНОАТИ ИЛМИЙ-
ТАДҚИҚОТ ВА ЛОЙИҲАЛАШ ИНСТИТУТИ, ТОШКЕНТ ДАВЛАТ
ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ ВА И.М. ГУБКИН НОМИДАГИ
РОССИЯ ДАВЛАТ НЕФТ ВА ГАЗ УНИВЕРСИТЕТИ ФИЛИАЛИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc 27.06.2017.GM/T/41.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**НЕФТЬ ВА ГАЗ КОНЛАРИ ГЕОЛОГИЯСИ ҲАМДА ҚИДИРУВИ
ИНСТИТУТИ**

ШОЙМУРОТОВ ТУЙЧИ ХАЛИКУЛОВИЧ

**БУХОРО-ХИВА РЕГИОНИ МЕЗОЗОЙ БОСИМЛИ СУВ
СИСТЕМАСИ НЕФТГАЗЛИЛИГИНИНГ
ГИДРОГЕОЛОГИК МЕЗОНЛАРИ**

04.00.07 – Нефть ва газ конлари геологияси, уларни қидириш ва разведка қилиш

**ГЕОЛОГИЯ-МИНЕРАЛОГИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2018

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)
Content of dissertation abstract doctor sciences (DSc)

Шоймуротов Туйчи Халикулович

Бухоро-Хива региони мезозой босимли сув системаси
нефтьгазлилигининг гидрогеологик мезонлари..... 3

Шоймуротов Туйчи Халикулович

Гидрогеологические критерии нефтегазоносности мезозойской
водонапорной системы Бухаро-Хивинского региона 29

SHoymurotov Tuychi Xalikulovich

Hydrogeolgical criteries of oil and gas bearing mezozoic water-pressure system of
Bukhara-Khiva region..... 55

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 59

**НЕФТЬ ВА ГАЗ КОНЛАРИ ГЕОЛОГИЯСИ ҲАМДА ҚИДИРУВИ
ИНСТИТУТИ, ЎЗБЕКИСТОН НЕФТЬ ВА ГАЗ САНОАТИ ИЛМИЙ-
ТАДҚИҚОТ ВА ЛОЙИҲАЛАШ ИНСТИТУТИ, ТОШКЕНТ ДАВЛАТ
ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ ВА И.М. ГУБКИН НОМИДАГИ
РОССИЯ ДАВЛАТ НЕФТ ВА ГАЗ УНИВЕРСИТЕТИ ФИЛИАЛИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc 27.06.2017.GM/T/41.01 ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**НЕФТЬ ВА ГАЗ КОНЛАРИ ГЕОЛОГИЯСИ ҲАМДА ҚИДИРУВИ
ИНСТИТУТИ**

ШОЙМУРОТОВ ТУЙЧИ ХАЛИКУЛОВИЧ

**БУХОРО-ХИВА РЕГИОНИ МЕЗОЗОЙ БОСИМЛИ СУВ
СИСТЕМАСИ НЕФТГАЗЛИЛИГИНИНГ
ГИДРОГЕОЛОГИК МЕЗОНЛАРИ**

04.00.07 – Нефть ва газ конлари геологияси, уларни қидириш ва разведка қилиш

**ГЕОЛОГИЯ-МИНЕРАЛОГИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2018

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2018.3.DSc/GM34 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Нефть ва газ геологияси ҳамда қидируви институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.ing.uz) ва «Ziynet» Ахборот таълим портали (www.ziynet.uz) тармоғида жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи

Абдуллаев Ғайбулла Сайфуллаевич
геология-минералогия фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Боқиев Саиднасим Алимович
геология-минералогия фанлари доктори

Хусанов Султонбой Тўхтаевич
геология-минералогия фанлари доктори

Ҳабибуллаев Иброҳим Ҳабибуллаевич
техника фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Геология ва геофизика институти

Диссертация ҳимояси Нефть ва газ геологияси ҳамда қидируви институти, Ўзбекистон нефть ва газ саноати илмий-тадқиқот ва лойиҳалаш институти, Тошкент давлат техника университети ва И.М. Губкин номидаги Россия давлат нефть ва газ университети филиали ҳузуридаги DSc 27.06.2017. GM/T/41.01 рақамли Илмий кенгашининг 2018 йил « 8 » ноябр соат 10⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100059, Тошкент шаҳри, Шота Руставели кўчаси, 114 уй. Тел.: (+99871) 253-09-78; факс: (+99871) 250-92-15, e-mail: igirnigm@ing.uz)

Диссертация билан Нефть ва газ геологияси ҳамда қидируви институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (3833 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100059, Тошкент шаҳри, Шота Руставели кўчаси, 114 уй. Тел.: (+99871) 253-09-78; факс: (+99871) 250-92-15, e-mail: igirnigm@ing.uz

Диссертация автореферати 2018 йил « 19 » октябр куни тарқатилди.
(2018 йил «18» сентябрдаги 1 рақамли реестр баённомаси).

Ю.И. Иргашев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
г.м.-ф.д., профессор

М.Г. Юлдашева

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, г.м.-ф.н.

Ф.Г. Долгополов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги
илмий семинар раиси, г.м.-ф.д.

КИРИШ (Фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва аҳамияти. Дунёда ҳозирги вақтда нефть ва газ захираси ўсишини таъминлаш, асосан геология қидирув ишлари (ГҚИ) амалиётига илмий тадқиқотлар натижаларини фаол қўллаш, углеводород (УВ) хом ашёси қидируви ҳажмини ошириш орқали амалга оширилмоқда. Саноатнинг турли жабҳаларида табиий газ ва нефтга бўлган талаб ўсаётгани боис, УВ хом ашё базасини кенгайтиришда геологик материаллар жамламаси таҳлилларига, хусусан – гидрогеологик тадқиқотларга асосланган нефтгазга истиқболли янги ҳудудларни аниқлаш нефтгаз геологиясининг етакчи вазифаларидан бирига айланган.

Дунёда нефть ва газ конлари ҳосил бўлиш жараёнларини аниқлашга алоҳида эътибор қаратилган бўлиб, уларнинг ечимида УВ генезиси муаммоларини чуқурроқ ишлаш, хусусан УВ уюмларининг ҳосил бўлиши, силжиши ва бўшлиқларда жойлашув жиҳатлари қонуниятларини ўрганиш билан боғлиқ. Ушбу муаммоларни ҳал этиш учун ишлаб чиқилган турли йўналишлар, яъни: ҳар хил типдаги жинсларнинг йиғилиш қонуниятларини аниқлаш; регионларда тектониканинг тарихий ривожланиш босқичларини ўрнатиш; чуқинди жинсларида гидрокимёвий ва гидродинамик ҳолатлар ролини асослаш шулар жумласига киради. Сунги омил нафақат флюидлар ҳосил бўлиш жараёни ичида кечади, қолаверса УВ ҳосил бўлишида бевосита иштирок этади ҳамда нефть ва газни ғовакли горизонтлар бўйлаб бой қатламлардаги тутқичларга ташиши билан муаммонинг долзарблигини акс этдиради.

Республикамызда нефть ва газ соҳасининг ҳар тарафлама ривожланишига алоҳида эътибор қаратилган, ишлаб чиқилган дастурлар ва мазкур йўналиш бўйича қабул қилинган чора-тадбирлар соҳани янада ривожлантиришдаги муҳим масалаларни ҳал этмоқда, жумладан геология-қидирув ишлари (ГҚИ) суръатини ошириб, нефть ва газ захираларини юксалтиришга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида¹ «ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, саноатни юқори технологияли қайта ишлаш тармоқларини жадал ривожлантиришга қаратилган сифат жиҳатдан янги босқичга ўтказиш» вазифалари белгилаб берилган. Шундан келиб чиқиб қуйидаги масалалар: нефть ва газ уюмларининг ер ости сувлари билан туташлик қонуниятларини аниқлаш; чуқур горизонтлар қатлам сувлари гидрокимёсини ўрганиш; ер ости сувлари гидрокимёвий зоналаниши ва уларнинг флюидлар миграциясига таъсирини ёритиш; нефтгазлилиқнинг гидрогеологик критериялари каби важлар сабаб – уларнинг долзарблиги катта илмий ва амалий аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 28 сентябрдаги ПҚ-2614 сон «2016-2020 йилларда углеводород хом ашёсини чуқур қайта ишлаш

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февralидаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлар тўплами, 6-сон, 2017 й.

негизда экспортга йўналтирилган тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» ва 2017 йил 3 ноябрдаги ПҚ-3373-сон «2017-2021 йилларда углеводород хом ашёсини қазиб олишни кўпайтириш дастурининг биринчи босқичини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» қарорлари, 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947 сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисидаги» Фармони ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти натижалари муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг VIII «Ер тўғрисидаги фанлар» (геология, геофизика, сейсмология ва минерал хом ашёларни қайта ишлаш) устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича ҳорижий илмий тадқиқотлар шарҳи².

Ер ости флюидлари ҳаракати, гидрокимё ва гидродинамик ҳолатларнинг УВ хом ашёси уюмлари тўпланиши ва сақланишига бўлган таъсирини аниқлашга йўналтирилган илмий тадқиқотлар дунёнинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасаларида, жумладан, Калифорния ва Стэнфорд университетлари (АҚШ), University of New South Wales (Австралия), Хитой нефть университети (ХХР), РФА Бутунроссия нефть геологияси илмий-тадқиқот институти, РФА СБ Нефтьгаз геологияси ва геофизикаси институти Ғарбий-Сибир филиали, Нефть ва газ конлари геологияси ҳамда қидируви институтларида (Ўзбекистон) олиб борилмоқда.

Турли чуқинди ҳавзаларида қатлам сувларининг гидрокимё ва гидродинамик хусусиятларини баҳолашга оид жаҳонда олиб борилган кенг қамровли тадқиқотлар натижасида қатор илмий натижалар олинган, жумладан: қатлам флюидалари ҳаракати ва гидродинамик муҳитнинг УВ уюмлари тўпланиши ва сақланишига таъсирини ўрганиш усули ишлаб чиқилган (Калифорния ва Стэнфорд университетлари, США), гидрогеологик маълумотларга таяниб чуқур кетган майдонлар нефтьгазлилиги, денгиз шелфи, газогидрат уюмлари интенсив ҳосил бўладиган ҳудудлар башоратига асосланган (Хитой нефть университети, Хитой; ВНИГНИ, Россия); ер ости сувларидаги органик унсурлар, микроэлементлар ва уларнинг нефтьгаз ҳосил бўлиш жараёнидаги ҳиссаси аниқланган (University of New South Wales Австралия); УВ уюмлари тўпланиши ва миграциясида қатлам сувларининг иштироки ўрнатилган ҳамда гидродинамик тўсиқлар ва қулай бўшаниш зоналари мавжудлиги асосланган (РФА СБ НИПИ «Нефтьгаз»).

Дунёда нефтьгаз гидрогеологияси бўйича қатор устувор йўналишларда илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда, жумладан: нефтьгаз тўпланишининг гидрогеологик моделини яратиш; катта чуқурликда флюидодинамик системанинг ноантиклинал турдаги тўтқишли нефть ва газ

² Диссертация мавзуси бўйича ҳорижий-илмий тадқиқотлар шарҳи: <http://earthpapers.net>; <http://www.ngtp.ru>; <http://www.geokniga.org/books>; <http://geologinfo.ru>; <https://www.niuiif.ru> ва бошқа манбалар асосида ишлаб чиқилган.

уюмларини излаш-қидириш; углеводород ўрнини босадиган ўриндош маънбалар муаммосини (сувда эрийдиган газлар, газогидратлар, қаттиқ мўмлар ва б.) ечиш ва нефтгазга йўлдош сувлардан фойдаланиш усуллариини ишлаб чиқиш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Бухоро-Хива нефтгазли региони (БХНГР) қатлам сувлари тўғрисидаги маълумот дастлаб «Бухоронепфтгазқидирув» трести излов қудукларидан олинган (С.М. Киселев, 1940). Бинобарин, кейинги геологик ўрганиш босқичлари ва худуднинг нефтгазлилигига оид барча тадқиқотларда (М.Т. Бурак, О.К. Инжеватова, С.П. Корсаков, Б.А. Бедер ва б.) асосий эътибор чуқур горизонтлардаги ер ости сувлари гидрокимёсини ўрганишга қаратилган.

Кўп сонли тадқиқотлар ичида БХНГР гидрогеокимёсининг илк шакл шамоили ва гидрокимёвий зоналаниш тарзи бўйича В.В.Колодий, Л.Е.Михайлов, В.Н. Корценштейн, В.А. Кудряков, Е.А. Барс, С.Талипов, Я.А.Ходжакулиев, В.Н. Пашковский, С.Холдаров, Т.Н.Авазов, М.И. Суббота, Т.И. Муминжонов ва бошқаларнинг умумлашган тарздаги ҳисобот ва мақолаларидаги тавсифлар алоҳида эътиборга лойиқ.

Мазкур тадқиқотлар комплексида нефт ва газ уюмлари тўпланишидаги бош хусусият, яъни уларнинг табиий босимли сув системаси элементларидан бири эканлиги (УВ уюмларининг тўпланиш ва емирилиш жараёни сувланган тоғ жинслари негизда кечиши, қадимги ва ҳозирги гидрогеологик шароитларга уюмлар сақланиб қолинишининг боғлиқлиги, ер ости сувлари кимёвий таркибидаги турли-туман бирикмаларнинг нефтгаз қидирувида муҳим аҳамиятга эгалиги) аниқланган.

Шу билан бирга нефтгаз гидрогеологиясида қатор муҳим масалалар ечими тўла ишланмаган ва мунозарали бўлиб қолмоқда. Жумладан табиий босимли сув системаси типлари ва гидродинамик аномалиялар бўйича ягона тасаввур мавжуд эмас. Чўкинди кесмасининг қуйи горизонтларида ер ости сувларининг гидрокимёвий зоналаниши ва уларнинг ўзаро боғлиқлик муаммоси етарлича ўрганилмаган. БХНГР юра ва бўр босимли сув комплекслари вертикал ва горизонтал зоналанишини аниқлаш онда-сонда қаралган нотўлиқ кўринишли ҳолатда бўлиб, ҳозирда улар етарлича ўрганилмаган. Ва ниҳоят нефт ва газ уюмларини қидиришда гидродинамик тутқишларга етарли эътибор берилмаган.

Ҳозирги пайтда ўрганилаётган худуд қатлам сувлари ҳақида етарлича маълумотлар йиғилган бўлиб, уларнинг таҳлили гидрогеокимёвий майдон структурасини тубдан янгилаш ва флюидлар ҳосил бўлиш ва жойлашиш механизмини яққолроқ тушуниш имконини беради. БХНГР сунги йилларда ўтказилаётган гидрогеологик тадқиқотларда, гидрогеологик жараёнлар ва ҳолатларни ўрганишда, статистик-эҳтимоллар усулидан фойдаланишнинг тизимли таҳлиliga асосланган сонли ва сифатли ўзгаришлар рўй бермоқда. Гидрогеологик маълумотларни анъанавий усуллар асосида қайта ишлаш ва таҳлил қилиш билан бирга, ҳозирда гидрогеология соҳасида эришилган ютуқларга таяниб гидрогеология ишлари амалиётига кенг қамровли

информацион-қидирув тизимидаги дастурлар тадбиқ қилинмоқда.

Диссертация ишида, айнан мана шу асосда БХНГР бўйича гидрогеологик ишланмалар такомиллаштирилиб, барча сўнги тадқиқотлар қўшимча ёндашув ва кўрсаткичлар таҳлиллари негизида олиб борилди. Регион мезозой ётқизикларида УВ уюмлари ҳосил бўлиш ва сақланишини гидрогеологик мезонлар комплекси орқали ўрганишда, анъанавий бўлган антиклинал структурали тутқичлар билан бир қаторда моноклинал, литологик, тектоник ва гидродинамик типдаги углеводород уюмлари тутқичларига ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

Шу боис, БХНГР илгари ўтказилган тадқиқотларнинг илмий ва амалий аҳамиятини инобатга олган ҳолда ва регионни ўрганишда эришилган фациал-литологик, тектоник, структураларга оидлик, геокимё ва битумлилик характеристикалари орқали ГҚИ самарадорлигини ошириш мақсадида УВ уюмлари ҳосил бўлиши ва жойлашувида гидрогеологик омилларнинг ролини ҳар тарафлама ўрганишни жоиз деб топдик.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган муассасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти «Нефть ва газ конлари геологияси ҳамда қидируви институти» акциядорлик жамияти илмий-тадқиқот ишлари режасининг қуйидаги: 12-06 «Бухоро-Хива нефтегаз области юра ётқизиклари ер ости сувларида микрокомпонентлар ва камёб элементларнинг тарқалиш хусусиятларини аниқлаш ва уларнинг саноат миқёсидаги аҳамиятини баҳолаш мақсадида гидрокимёвий материалларни умумлаштириш ва таҳлил қилиш» (2006-2007); 10-12 «Бухоро-Хива региони бўр ва юра ётқизикларини гидрогеологик нуқтаи назардан нефтгазлилик истиқболини ер ости сувлари вертикал ва латерал гидрокимёвий зоналаниш таҳлиллари орқали ўрганиш» (2012-2013); ПД 412-14Б «Бухоро-Хива регионида қидирув ишлари олиб борилаётган конлар ва алоҳида структураларда флюидлар (нефть, газ, сув) тарқалишини баҳолаш мақсадида тезкор таҳлил ва гидродинамик моделлар тузиш» (2014); ПД 99-15В «Бухоро-Хива регионида қидирув ишлари олиб борилаётган конлар ва майдонларда қатлам флюидларининг тарқалишини баҳолаш мақсадида комплекс гидрогеологик тадқиқотлар ва гидродинамик моделлар тузиш» (2015); 14-16 «Бешкент ботиклиги ва Жанубий-Ғарбий Хисор тизмаларида қидирув-излов ишлари самарасини ошириш мақсадида мезозой ётқизиклари гидрогеологик мезонларига асосланиб майдонлар нефтгазлилик истиқболини баҳолаш» (2016-2017) мавзулари негизидаги амалий лойиҳалар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Бухоро-Хива региони мезозой босимли сув системасида ер ости сувларининг углеводород уюмлари ҳосил бўлиши ва жойлашувидаги ролини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

БХНГР мезозой ётқизиклари қатлам сувлари гидрогеологик шароитларини тадқиқот қилиш, уларнинг гидрокимёвий, гидродинамик хусусиятларини аниқлаш;

қатлам флюидларининг ҳаракат ривожини, ер ости сувлари гидрокимёвий таркибидаги ўзгариш қонуниятларини ўрганиш ва ўрганилаётган ҳудуд нефтгазлилиқ истиқболини баҳолаш учун гидрогеологик мезонлар комплексини танлаш;

флюидлар гидродинамик шароитининг УВ уюмлари тўпланиши ва сақланишига таъсирини аниқлаш;

флюидлар миграцияси қонуниятларини баҳолаш мақсадида юра ва бўр ётқизиклари қатлам сувлари вертикал ва горизонтал гидрокимёвий зоналанишини аниқлаш;

юра ва бўр босимли сув комплекслари қатлам сувларидаги микрокомпонентлар ва камёб элементлар тарқалиш тарзи ва уларнинг саноатдаги аҳамиятини баҳолаш;

гидрогеологик мезонлар асосида юра ва бўр ётқизиклари нефтгазлилиқ истиқболини аниқлаш ва келгуси нефть ва газ излов-қидирув ишларини мақсадли томонга йўналтириш бўйича аниқ тавсиялар бериш.

Тадқиқотнинг объекти Бухоро-Хива региони мезозой босимли сув системаси.

Тадқиқотнинг предмети БХНГР мезозой босимли сув системасининг гидрогеологик хусусиятлари ва уларнинг УВ уюмлари ҳосил бўлиши ва сақланишидаги таъсирини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Ўтказилган тадқиқотнинг асосий усуллари БХНГР мезозой босимли сув системасининг тузилиши бўйича геологик, гидрогеологик маълумотларнинг комплекс таҳлили, олинган натижаларни умумлаштириш, қайта ишлаш ва талқин қилишдан иборат. Ишда комплекс ёндашувни ўз ичига олган ўрганилаётган ҳудуд юра ва бўр ётқизиклар кесмаси бўйича мавжуд материалларнинг илмий умумлашган изоҳи, яъни қатлам сувлари оқими, босими, ҳарорати, улардаги макро ва микрокомпонентлар таркиблари ўрганилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор юра ва бўр ётқизиклари қатлам сувларининг макро ва микрокомпонентлари ҳамда генетик коэффицентларининг меъёрий қийматларини аниқлаш асосида ажратилган вертикал ва латерал гидрокимёвий зоналар баҳоланган;

юра ва бўр ётқизиклари қатлам сувлари минерализациясида инверсия ҳолати ва В/Vr нисбат микдори ортиши аниқланган;

углеводород уюмларининг ҳосил бўлиши ва тўпланиши учун қулай шароитли ёпиқ ва очик шаклдаги паст гидравлик босимли гидродинамик аномалиялар ажратилган;

юра ва бўр даврлари ётқизикларидаги босимли сув комплекслари қатлам сувларида саноат аҳамиятига эга микрокомпонентлар ва камёб элементлар тарқалиши ва улардан саноат учун зарур компонентлар олишда гидроминерал хомашё сифатида фойдаланишнинг инновацион моҳияти асосланган;

юра ва бўр ётқизиклари қатлам сувларининг гидрокимёвий ва гидродинамик мезонлари асосида углеводород хомашёси уюмларини очиш башорати учун ҳудуд нефтгазлилигининг гидрогеологик омиллари аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

УВ уюмлари тўпланиши ва сақланишига қулай гидрокимёвий шароитли, хусусан юқори минераллашган, метаморфизациялашган, седиментоген сувли гидрокимёвий зоналар чегараси тавсифланган;

юра ётқизикларида сувда эрийдиган органик моддалар (СЭОМ) қиймати махсулдор тутқичлар билан барқарор боғлиқликда эканлиги баҳоланган;

Газли, Қулбешкак, Қандим, Денгизкул, Култак кўтарилмалари, Азизлартепа силжиш зонаси, Бешкент ботиклиги ҳудудларида юра ва бўр ётқизиклари ер ости сувлари кимёвий таркибининг меъёрий қийматларига асосланиб қатлам сувларининг вертикал ва латерал гидрокимёвий зоналаниши мавжудлиги ўрнатилган. Ҳамда Муллахол, Шимолий Сузма, Оққум майдонлари ҳудудларида мезозой ётқизикларининг палеозой комплекси жинслари билан гидрокимёвий зоналаниши аниқланган;

Газли, Когон, Қулбешкак, Қандим кўтарилмалари ва Бешкент ботиклигида юра даври ётқизиклари қатлам сувлари гидравлик босимининг «ёпиқ пасайиши» билан боғлиқ бўлган ҳамда Денгизкул, Испанли-Чандир ва Култак кўтарилмаларида тектоник ва литологик тўсиқлар туфайли ёпилмаган пьезоминимумли аномалияларга боғлиқ бўлган УВ уюмлари ҳосил бўлиши ва жойлашуви учун қулай гидродинамик шароитли тутқичлар мавжудлиги ўрнатилган;

Бешкент ботиклигида (Бўзахур, Мавлонқудук, Гирсан, Қорақир, Файзли, Илим, Хонобод, Чилқувор майдонлари) УВ уюмлари тўпланиши учун қулай бўлган ер ости сувлари оқими йўналиши кескин ўзгариши билан характерли «гидродинамик бурунлар» аниқланган;

Учбош-Қарши дарзлиги бўйлаб паст гидравлик босимли, УВ уюмлари тўпланиши ва сақланиши учун қулай бўлган гидродинамик зона ўрнатилган;

гидрогеологик нуқтаи назардан БХНГР қуйи-ўрта юра ва қуйи бўр ётқизикларининг регионал миқёсда махсулдорлиги баҳоланган ҳамда ер ости саноат сувларининг УВ уюмлари билан бевосита боғлиқлиги исботланган;

Файзли, Топичаксой, Иймон, Тўйғу, Рубойй, Шеркент, Сирли, Наур структураларида гидродинамик моделлар асосида уларда потенциал углеводородли тутқичлар аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Олинган натижалар БХНГР мезозой ётқизиклари ер ости сувлари гидрокимёвий ва гидродинамик параметрлари базасида, регион юра ва бўр қатлам сувларидан олинган икки мингдан ортиқроқ гидрокимёвий намуналар таҳлилларига асосланган. Диссертациянинг асосий мазмуни ўрганилаётган босимли сув комплекслари гидрокимёси, гидродинамикаси ва уларнинг палеогидрогеологик сатҳ ҳолати реконструкцияси бўйича мавжуд аниқ маълумотлар базасига таяниб, фацциал-литологик, структура ва тектоник, битумлилик ҳамда гидрокимё

тадқиқотларидан олинган натижаларга қиёсланган. Хулосалар гидрогеология фанининг асосий концепцияларига мос келади ва мавжуд тасаввурларга зид эмас.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шуни тақоза қиладики қатлам сувлари гидрокимёвий, гидродинамик шароитларини ва флюидлар ҳаракат ҳолатларини ўрганиш, флюидлар тизими тузилишида гидрогеологик омилларнинг сезиларли таъсири борлигини ва литогенезнинг турли зоналарида кечадиган миграция эвазига аста-секин тутқишларда УВлар тўпланиш эҳтимолини аниқлаш имконини берди. Таъкидланган ҳолатлар нефтгаз уюмлари йиғилиши гидрогеологик тизим ривожига билан бевосита боғлиқлигини ҳамда флюидлар тизимида гидрокимёвий ва гидродинамик омилли ўзига хос зоналар мавжудлиги билан ифодаланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти эса, БХНГР юра ва бўр ётқизикларининг нефтгазлилиги истикболи гидрокимёвий ва гидродинамик тадқиқотлар асосида майдонлар, участкалар, маҳаллий структуралар сонли ва сифатли баҳоланганини кўрсатади. Олинган илмий асосланган натижалар негизидаги гидрогеологик мезонлар УВ уюмлари башоратини ойдинлаштиришга, излов-қидирув ишлари самарасини оширишга ҳамда нефть ва газ захираларини ўстиришга йўналтирилди.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Бухоро-Хива региони мезозой ётқизиклари нефтгазлилигининг гидрогеологик мезонлари бўйича олинган илмий натижалар асосида:

Бухоро-Хива региони юра ва бўр даврлари ётқизиклари босимли сув комплекслари бўйлаб флюидлар миграцияси участкалари схематик харитаси «Ўзгеобурнефтегаз» АЖ корхоналари тизимида жорий қилинган («Ўзбекнефтегаз» АЖнинг 2018 йил 28 июндаги 02-14/1-40-сон маълумотномаси). Натижада углеводород уюмларини қидириш бўйича кейинги излов-қидирув ишларини амалга оширишда структурали ва гидродинамик типли тутқишларни аниқлаш имконини берган;

углеводород уюмлари тарқалиш тарзи гидродинамик моделлари Рубойи, Шеркент конлари ҳудудларида жорий қилинган («Ўзбекнефтегаз» АЖнинг 2018 йил 28 июндаги 02-14/1-40-сон маълумотномаси). Натижада углеводород уюмлари тўпланиш эҳтимолли юқори бўлган жойлар ажратилган ва қўшимча излов-қидирув қудуқлари пармалаш жойларини аниқлаш имконини берган.

углеводород уюмлари тарқалиш тарзи гидродинамик моделлари Сирли, Наур структураларида жорий қилинган («Ўзбекнефтегаз» АЖнинг 2018 йил 28 июндаги 02-14/1-40-сон маълумотномаси). Натижада углеводород уюмлари тўпланиш эҳтимолли юқори бўлган жойлар аниқланган ва янги излов қудуқлари пармалаш жойларини белгилаш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари маъруза шаклида 10 та халқаро ва 12 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 38 та илмий ишлар чоп этилган. Шулардан 16 та мақола Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда, жумладан 15 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузулиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, олтита боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловадан иборат. Диссертация ҳажми 192 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, Ўзбекистон республикаси фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижалар ишончлилиги асосланган ҳамда илмий, амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузулиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи «**Бухоро-Хива нефтгазли региони мезозой ётқизиклари геологик тузулиши ва тектоник районлашуви**» бобида ўрганилаётган худуд геологик-геофизик, гидрогеологик ўрганилганлиги, литолого-стратиграфик характеристикалари, тектоник районлашуви ҳамда муаммонинг ўрганилганлик таҳлиллари ҳақида қисқача маълумотлар келтирилган.

Регионнинг тўлиқ ва алоҳида қисмларини ўрганишга Г.С. Абдуллаев, А.А. Обидов, А.М. Ақромхўжаев, П.У. Аҳмедов, Т.Л. Бобожонов, А.Г.Бобаев, А.А. Бакиров, А.А. Борисов, Р.А. Габрильян, В.П. Гаврилов, Ш.Д. Давлатов, Ф.Г. Долгополов, С.В. Екшибаров, А.Г. Ибрагимов, З.С.Ибрагимов, Ю.И. Иргашев, А.В. Киршин, Х.Х. Миркамалов, А.Х.Нуғманов, О.А. Рыжков, В.В. Рубо, Б.Б. Ситдиқов, Б.Б. Таль-Вирский, Б.С. Хикматуллаев, С.Т. Хусанов, М.Э. Эгамбердиев ва бошқа кўплаб геологларнинг ишлари бағишланган.

Бухоро-Қарши артезиан бассейни мезозой ётқизиклари гидрогеологияси тадқиқотлари Т.Н. Авазов, С.А. Боқиев, Л.С. Балашов, Е.А.Барс, Б.А.Бедер, М.Т. Бурак, Г.Х. Дикенштейн, М.И. Зайдельсон, Д.С. Ибрагимов, О.К.Инжеватова, Л.А. Калабугин, А.А. Карцев, В.Н.Корценштейн, С.П.Корсаков, В.А. Кудряков, Л.Е. Михайлов, Т.И. Муминжонов, В.Н.Пашковский, К.А. Сабиров, И.С. Старобинц, А.Н. Султанходжаев, С.Толипов, Х.Т. Тулаганов, А.С. Хасанов, Я.А. Хўжакулиев, С. Холдаров ва бошқа кўплаб тадқиқотчилар ишларида ёритилган. Бўлимда баъзи бир масалалар бўйича гидрогеологларда мавжуд бўлган турли ёндашув ва нуқтаи назарлар, яъни асосий баҳсли, мунозарали муаммолар келтирилган.

Бобда БХНГР мезозой ётқизиклари литологик-стратиграфик кесмалари типларига оид – куруклик, денгиз-қирғоқ олди ва денгиз ҳосиласи бўлган чуқинди жинслардан иборат олти мустақил формацияларга бўлинган юра ва бўр комплекслари тавсифланган. Шунингдек тадқиқот олиб борилаётган ҳудуднинг асосий тектоник элементлари ва регионал дарзликлар характеристикалари келтирилган ҳамда чуқинди қопламасининг тузилиши тектоник районлашуви берилган. Дарзликлар ҳолати, йўналиши, фаоллашган даври ва тектоник элементлар номлари А.А. Обидов, О.А. Рыжков, Б.Б. Таль-Вирский, Т.Л. Бобожонов, А.Х. Нуғманов ва б. ишлари бўйича тузилган. Тадқиқот натижалари дарзликлар жойлашуви, уларнинг ривожланиш тарихи ва ҳудуднинг ҳозирги структуравий саҳни юзага келишидаги ҳиссаси тасаввурини такомиллаштириш имконини берган.

Диссертациянинг иккинчи «**Бухоро-Хива нефтгазли региони мезозой босимли сув системаси гидрогеологик шароитлари тавсифи**» бобида регион мезозой босимли сув системаси гидрогеологик районлашуви, тузилиши ва қадимий ҳосил бўлиш тарзи берилган. БХНГР гидрогеологик жиҳатдан Қорақум (Амударё) босимли сув тизимининг шимолий-шарқий қисмида жойлашган бўлиб, фашиал-литологик, структуравий-тектоник ва гидрогеологик шароитлари бўйича урта: Бухоро, Чоржуй ва Бешкент-Қашқадарё гидрогеологик областларига (ГГО) ажратилган.

БХНГР мезозой босимли сув системаси юра ва бўр ётқизиклари кесими кўп сонли сувли горизонтларни ўз ичига олган. Уларнинг остки сув ўтказмайдиган тўсиғи бўлиб, Бухоро ГГО 1-2,5 км, Чоржуй ГГО 2,0-5,5 км гача бўлган чуқурликда жойлашган, хусусан чуқинди-метоморфик жинслардан иборат палеозой пойдевори хизмат қилади. Кўрилаётган сувли горизонтлар кесмадаги мавжуд неоком-юқори юра, қуйи альб ва қуйи турон сув ўтказмайдиган ғовлар эвазига юра ва бўр (неоком-апт, альб-сеноман, сенон-палеоцен) босимли сув комплексларига бирлашган. Мазкур ажратилган босимли сув комплекслари ўз навбатида қуйидаги (ишлаб чиқариш номенклатураси бўйича): юра терриген (XX-XVII) ва карбонат (XVI-XV) формацияларини; бўр XIV-XII (неоком-апт), XI-IX (альб-сеноман), VIII-VII (сенон-палеоцен) терриген катламли горизонтларини бирлаштирган. Бухоро ГГО четки шимолий-ғарб қисмида (Газли, Мешекли, Янгикозган ва бошқа районларда) юра ва қуйи бўр босимли сув комплекслари бирлашиб, ягона юра-қуйи бўр босимли сув комплексини ташкил этади.

Босимли сув системасининг чуқурлиги жанубий-шарқ йўналишида ортиб боради, бироқ мос равишда кесманинг лойланиши эвазига ғоваклик хусусияти камайиб боради. Сув ўтказмайдиган тўсиқларнинг роли Бухоро ГГО дан Чоржуй ГГО га ўтишда тўсиқлар қалинлиги ортиши, донатор жинсларнинг кичиклашуви билан боғлиқ фашиал ўзгарув рўй бериши ҳамда тузли-ангидридли катламлар пайдо бўлиши ҳисобига ортиб боради. Жинсларнинг коллекторлик хусусиятлари регионнинг ўрта қисмида нисбатан юқорироқ бўлиб, кесма чуқурлиги бўйлаб камайишига мойиллик кузатилади.

БХНГР мезозой босимли сув системаси гидрогеологик ривожланиш тарихида элизион, оралик ва инфильтрация сув алмашуви босқичларига мос учта, яъни юра, бўр ва кайнозой босқичлари аниқланган. Гидрогеологик ривожланиш тарихининг асосий ҳосиласи, босимли сув системаси ривожланиши кечган бутун давр давомида, элизион сув алмашуви устуворлиги, тоғли областлар тарафдан ҳосил бўлган босим тарқалиш жараёнида бутунлай босимли сув системасида босим ҳосил бўлиши ва аста-секин туртламчи даврга келиб тизим седиментацион сувининг инфильтрацион сув билан аралашувига олиб келган.

Диссертациянинг учинчи «**Бухоро-Хива нефтгазли региони юра ва бўр босимли сув комплекслари ер ости сувларининг гидрокимёвий ва гидродинамик параметрлари**» бобида БХНГР юра ва бўр босимли сув комплекслари қатлам сувлари таркибидаги ионли-тузлар, газ, органика ва микрокомпонентлар таҳлиллари натижалари базасида қатлам сувлари кимёвий таркиби тўғрисидаги маълумотлар келтирилган. Таъкидлаш жоизки, бу борадаги олдинги тасаввурлар, сўнги янги майдон ва структураларга қўйилган бурғилаш ишларидан олинган маълумотлар билан тўлдирилиб борилди. Босимли сув системасининг гидрокимёвий зоналаниши юза ҳамда кесмада қатлам сувлари минерализацияси, ионли-тузли таркиби ГГО чегарасида кескин ўзгариши билан характерли. Умумий тенденция эса қатлам сувлари минерализацияси, метаморфизацияси жанубий-ғарб, жанубий-шарқ томонларга ва кесма бўйлаб чуқурлик ошган сари кўпайишини кўрсатади.

Юра босимли сув комплекси шимолий-ғарб йўналиши бўйлаб қуйидаги минерализация ва метаморфик коэффициент (rNa/rCl) қийматларидаги бешта гидрокимёвий зоналарга ажралади: 1) 50 г/л кам бўлган ва 1,0–6,5; 2) 50–100 г/л ва 0,64–0,85; 3) 100–150 г/л ва 0,53–0,83; 4) 150–200 г/л ва 0,57–0,85. Бироқ, ушбу гидрокимёвий майдонлар сира бир хил эмас. Юра қатлам сувлари минерализацияси ва метаморфизацияси ортишининг умумий мойиллигида Қулбешкак, Қандим кўтарилмалари ва Бешкент ботиклигида 270–330 г/л дан 407 г/л (Эшонқудуқ майдони, 1 скв.) гача бўлган юқори минераллашган майдонлар мавжуд. Шубхасис, мазкур зоналардаги ушбу аномалиялар чуқурликдаги тузли рапалар таъсирида ўта тузли сувларни ҳосил қилган. Мазкур ўта шўр намоқобларда юқори миқдордаги йод 46,6–57,7 мг/л, бром 38,7–835,0 мг/л, аммоний 200–300 мг/л ҳамда жуда паст миқдорли сульфат коэффициентлари 0,005–0,0001 аниқланди.

Бўр босимли сув комплекси ер ости сувлари таркиби ва минерализацияси ранг-баранглиги билан ажралиб туради, хусусан Бухоро ГГО. Юқори тартибдаги гидрокимёвий зоналаниш эса минерализация ва метаморфизациянинг абсолют миқдорлари биров фарқи билан юра комплекси ер ости сувларига мос келади. Бу ерда қуйидаги гидрокимёвий зоналарга ажралади: 1) минерализацияси 5 г/л кам бўлган ва натрий-хлор коэффициенти 2,2 дан 4,7 гача бўлган шўрроқ сувлар; 2) минерализацияси 5–10 г/л ва 1,14–3,1 бўлган нисбатан шўр сувлар; 3) шўрроқ ва енгил ўта шўр

сувлар 10–50 г/л ва 0,7–1,09; 4) енгил ута шўр сувлар 50–100 г/л ва 0,7–0,8; 5) ўта шўр сувлар 100–150 г/л ва 0,5–0,8. Неоком-апт босимли сув комплексидан альб-сеноманга ўтишда 3 ва 4 зоналар қисқариши эвазига 1 ва 2 зоналар сезиларли даражада кенгайган.

БХНГР ер ости сувлари газ таркибининг бош хусусиятларидан бири сув газлилигининг кесма бўйлаб регионал тақчиллигида, хусусан юра босимли сув комплексидан бўр комплексига қараб ўтишда УВли таркибдан азотли таркибга қараб ўсиши кузатилади. Юра ётқизиклари сувида эриган газларнинг таркиби асосан – углеводородли, бўр ётқизикларида эса углеводород-азотли ва азотли. Ер ости сувларининг газлилигига УВ-уюмлари бевосита таъсир кўрсатади, улар УВ-уюмлари атрофида гардишлар эффекти кўринишида яққол намоён бўлади. Гардишлар эффекти намоён бўлиши юра босимли сув комплексидан максимал ва альб-сеноманда қатлам сувларида эса минимал даражада.

Қатлам сувларидаги СЭОМ ларни ўрганиш натижаси, сувнинг газлилиги битумли углерод ва учувчан фенол миқдорлари билан бевосита боғлиқ эканлигини тасдиқлади. Тадқиқотда яна бензол, нафтен кислотаси, перманганат ва йодат оксидланишлари ва бошқа СЭОМ характеристикаларининг нефтгаз кидирувидаги аҳамиятига аниқлик киритилди. Бухоро ГГО дан Чоржуй ГГО га ўтишда ва чуқурлик ошган сари СЭОМ миқдори ошиши ҳамда таркиби яхшиланиши аниқланди. Чоржуй ГГО (Оққум, Қумли, Қандим, Олат, Ўзуншор, Чандир, Гавана, Умид, Чегара, Юмай, Алан, Памуқ, Чилкувар, Қамаши, Феруза, Илим, Мезон ва бошқа майдонларда) юра ётқизикларида ВРОВ миқдори тутқичлар маҳсулдорлиги билан барқарор боғлиқликда эканлиги ўрнатилди.

БХНГР гидродинамика шароитини ўрганишда сунги йиғилган аниқ материалларга таяниб, юра ва бўр босимли сув комплекслари пьезометрияси бўйича қатлам сувларининг ётиши ва ҳаракат шароитларига бўлган тассаввур тубдан такомиллаштирилди. Диссертацияда мазкур материалларни қайта ишлаш, баҳолаш турли гидродинамик услубларга таянган ҳолда амалга оширилди. Қатлам гидродинамик системасининг ҳозирги ҳолатини тавсифлаш учун А.И. Силин-Бекчуриннинг ягона ҳисобга келтириладиган босимлар услубидан фойдаланилди. Турли хилдаги структура ва гидродинамик бирикув шароитларидаги флюидлар изопотенциал қаторларини аниқлашда U, V, Z услуби қўлланилди (Э.Ч. Дальберг).

Ер ости сувлари ҳаракатининг асосий, маҳаллий йўналишлари ва қатлам фильтрацияси градиенти ўзгаришлари ўрнатилиши, қатлам сувларида потенциал энергияси паст, юқори участкалар мавжудлиги ва бошқа нефтгаз ҳосил бўлишидаги қулайликни кўрсатувчи қатор (ер ости сувлари тезлиги; кичик гидродинамик қиялик; ер ости оқими йўналишининг кескин ўзгариши; пьезоминимумли зоналар мавжудлиги; сув алмашув коэффициенти кийинроқ бўлган ёпиқ гидродинамик зоналар ва бурунли структуралар) гидродинамик омиллар билан тўлдирилди. Мазкур хусусиятлар ва гидродинамик таҳлиллар

уйғунлигидаги натижалар бўйича УВ уюмлари тўпланиш эҳтимоли бўлган алоҳида истиқболли маҳаллий майдонлар ва структуралар ажратилди.

Юра босимли сув комплекси шимолий-ғарб йўналишида регионал нишабликдаги пьезометрик сатҳ ҳосил қилиб, кучли ўзгарувчан гидравлик қиялик ва ҳаракати паст тезликдаги қатлам сувлари, ҳамда қатлам босими паст пьезоминимумли ва аномал баланд (АВПД) зоналар билан характерлидир. Ўрганилаётган ҳудуд ғарбий қисмида келтирилган босим шимолий-ғарб томонга қараб тобора пасайиши босим ҳосил қилувчи областдан узоқлашуви ва босимни қайта тақсимлаш жараёни қийинлашуви билан ифодаланади. Назаримизда, пьезомаксимумли зоналар табиий босимли сув системасида изоляцияланган участкалар билан боғлиқ бўлиб, қатлам энергияси ўтган гидрогеологик ривожланиш босқичидан мерос ва сунги тектоник, физико-кимёвий жараёнларда ўзгарган қатлам энергиясидир. АВПД том маънодаги алоҳида гидродинамик аномалия ҳодисаси, хусусан босимли сув системасида айрим маҳаллий изоляциялашган участка билан боғлиқ бўлиб мазкур ҳолат асосан Култак кутарилмаси ва Бешкент ботиклигида кузатилади.

Бўр босимли сув комплекси гидродинамика ҳолатининг бош хусусияти пьезометрик юзанинг шимолий-ғарб йўналишдаги нишаблиги, сув алмашув режимининг тез-тез алмашинуви ва унинг альб-сеноман комплекси сатҳида ўзаро гидравлик ҳолатлар ўзгариши билан таъкидланади. Пьезометрик юза регионал қиялиги мураккаблашуви гидроизопьез зоналар қуюқлашуви ва сийраклашуви кўринишида дарзликлар зонасида тарқалган бўлиб, юза ва орқа томон эффектлари акс эттиради. Дарзликларнинг олиб келиш ва ютиш хусусиятлари, пьезометрик босимнинг пасайиши ёки уларнинг кескин бўшанишига олиб келади, ушбу ҳолат Бухоро чуқур дарзлиги ва уларнинг ёриқлар билан туташган жойларида қайд этилди.

Умуман, ўрганилаётган ҳудуд мезозой босимли сув системаси гидрокимёвий зоналаниши элизион гидрогеологик ривожланиш босқичидан мерос бўлиб, Бухоро ГГО бўр босимли сув комплексида седиментоген сувларнинг инфильтраген сувларга айланиш жараёни сезиларли кечганини кузатамиз. Асосий босимни юзага келтирувчи ҳудуд Жанубий-Ғарбий Хисор тоғ тизмаларида, юқори бўр горизонтлари учун эса қўшимча – Қизилқум кутарилмаларининг жанубий кенгликларида жойлашган. Сувли горизонтлар бўшаниши ер ости сувлари транзити йўлида утказувчан турдаги пьезоминимумли зоналарда ва пуркалган зарра кўринишида сув ўтказмайдиган қатламлар орқали кечади. Инфильтрацион сув алмашуви даражаси босим ҳосил қилган тоғли ҳудуддан ўзоқлашганда ҳамда босимли сув системаси тепа қисмидан пастги қисмига ва Бухоро ГГОдан Чоржуй ГГОга ўтганда камаёди.

Диссертациянинг туртинчи «**Бухоро-Хива нефтгазли региони юра ва бўр босимли сув комплексларида флюид оқимлари ва углеводород уюмлари шаклланишининг гидрогеологик шароитлари**» бобида чуқинди қопламаси жинсларидаги дарзликли зоналар чуқурлик флюидлар миграцияси

элементларидан бири эканлиги ва уларнинг флюид оқими вужудга келишига таъсири ҳамда юра ва бўр босимли сув комплекслари вертикал ва горизонтал гидрокимёвий зоналанишлари берилган.

БХНГР ер ости қатламларини кесувчи дарзликлар жойлашув схемаси ўрганилганда, мезозой ётқизиқларидаги саноат миқёсидаги нефтгаз конлари ва юрагача бўлган давр ётқизиқларида ўчраган УВ даракчиларининг кесмаларда жойлашувида умумий ўхшаш ҳолатлар борлигини кўрамиз. У ердаги кўплаб конлар чуқур дарзликлар ва уларга таянган маҳаллий дарзликлар ёки тектоник ёриқлар билан боғлиқлиги аниқланган. Истикболли зоналар ва участкалар бир-бирига яқинлашган ва турли йўналишли ташлама-узилма сурилмаси типигаги Бухоро, Гугуртли-Гирсан ва Амударё дарзликлари таъсир зоналарида жойлашган. Улар эрта палеозой даврида ҳосил бўлиб, юра ва неоген вақтларида фаол ривожланган. Мазкур дарзликлар таъсир зонасида кузатилаётган ҳозирги тектоник фаоллик шуни кўрсатадики ушбу структуралар ҳозирги пайтда ҳам «яшамокда».

БХНГР юра босимли сув комплекси гидродинамик шароити таҳлили ер ости сувлари оқими гидродинамик режими, авваламбор ҳар хил босқичли тектоник жараёнларга ва сувли ётқизиқ физик-кимёвий хусусиятларига боғлиқ эканлигини тасдиқлайди. Булар эса гидравлик босим ва қатлам сувлари ер ости оқими энергияси тарқалишига сезиларли таъсир кўрсатиши орқали оқим градиенти ўлчамлари кескин ўзгаришига олиб келган.

Жумладан, ер ости оқими йўналиши регионал оқим йўналишига тўла мос бўлган ҳолда, Бухоро (Учбош-Қарши) чуқур дарзлиги бўйлаб паст гидравлик босимдаги зона (229,0–508,0 м) мавжудлиги аниқланди. Ушбу зонанинг келиб чиқиши чуқур дарзликларга таянган дизъюнктив ўзгаришлар ва ҳар хил йўналишли ёриқлар атрофида таранглашган гидродинамик режим билан боғлиқ. Ушбу зонадаги тектоник дарзликларга ер ости оқимининг маълум бир қисми сингиб кетиши, натижада гидравлик босимнинг қисман ютилиши руй берган. Ана шулар натижасида ва Учбош-Қарши дарзлигининг амплитудаси катталиги сабабли мазкур зона маълум бир гидрогеологик хусусиятларига эга бўлган алоҳида геологик жисм деб қаралади. Бу ерда ҳар хил: литологик, тектоник, структурали ва гидродинамик характерли УВ тутқичлари бўлиш эҳтимоли мавжуд.

Бешкент ботиқлигининг марказий қисмида, Чилгумбаз, Шимолий Оқназар, Чилкувар, Қамаш, Бешкент, Феруза майдонларида номсиз кесувчи дарзликлар бўйлаб эса тескари нисбат, яъни гидравлик босимнинг (1552,1–2869,3 м) миқдори юқори бўлган ҳолат кузатилади, яъни дарзликлар ютиш эмас, келтирувчи хусусиятларга эгаллиги кузатилади. Худди шу мойиллик, гидравлик босими 1206,7 дан 1940,9 м гача бўлган Нишон, Шимолий Нишон, Шеркент, Манғит, Жомбулак майдонларида ҳам қайд этилди. Ушбу маҳаллий дарзликлар ер ости оқими градиентларининг кескин ўзгариши, оқим энергияси ва гидравлик босими тарқалишига сезиларли таъсир кўрсатаётгани тахминимизни яна бир бор тасдиқлаб турибди.

Келтирилган омиллар шуни кўрсатадики, дарзликли зоналар қатлам босимини тушурувчи ҳамда қатлам флюидлари миграция ҳаракати йўли ҳисобланар экан. УВ уюмлари ҳосил бўлишидаги етакчи рол эса, бирламчи седиментацион узвийликни бузган кейинги тектоник ҳаракатларга тегишлидир. Тектоника билан боғлиқ структуралар ҳосил бўлиши эзилган зоналар, ёриқлар ва иккиламчи ғовакликлар ортиши ҳамроҳлигида кечгани, кесмадаги махсулдор қатламлар асосан (90-95%) қаттиқ сув утказмайдиган оҳактошлардан иборатлиги кўп конларда кузатилади. Йиғилган маълумотлар шуни кўрсатадики, кўплаб махсулдор скважиналар, ёриқлари кўп бўлган карбонатли жинсларда, бурмалар ҳосил бўлишида кўпроқ тортувчи кучлар жараёнини кечирган антиклинал кутарилмалар ўқи чизигида ёки дарзликлар атрофида тақсимланганлигини кўрсатади.

Шундай қилиб, БХНГРда катта амплитудали регионал ва маҳаллий дарзликлар, бир тарафдан босимли сув системасининг ушбу қисмида ишончли гидравлик ҳимояловчи қобигни, иккинчи тарафдан эса – тиклик бўйлаб қатламлараро ер ости сувлари миграциясини осонлаштирувчи ролни бажарар экан. Мазкур дарзликлар бир вақтда қўш вазифани, яъни ер ости сувлари латерал ҳаракатига (тўлиқ ёки қисман) тўсиқ (экран) ёки кесманинг юқори, қуйи интервалларини боғловчи гидравлик канал вазифаларини бажаради. Бу иккиламчи нефть ва газ уюмлари ҳосил бўлишида муҳимдир.

Сувларнинг ўзаро аралашуви ва чуқурликда эритмалар қуюқлашуви ҳамда уларнинг ҳарорати ошиши нефтьгазли бассейнлардаги қатлам сувлари таркибида бор, бром ва бошқа элементларнинг сезиларли миқдорда бўлишини таъминлайди. Бироқ ер ости сувлари генезисини аниқлашда кимёвий таркиб абсолют миқдорлари сонини мезон сифатида қабул қилиб бўлмайди. Бунинг учун ер ости сувлари типлари таркибида доимо сезиларли миқдорда учрайдиган, ҳосил бўлиши бир-биридан ўта фарқли элементлар нисбатидан фойдаланиш зарур. Ушбу талабга кўпроқ бор ва бром элементлари мос келади.

Ҳар иккала элемент океан сувларида етарли ва доимий миқдорларда учрайди: бромнинг ўртача миқдори 65 мг/л га яқин, бор – 10-40 мг/л атрофида. Бироқ ушбу элементлар ҳосил бўлиш шароитлари бир-биридан анча фарқли. В/Вг нисбатидан мезон сифатида фойдаланишда, қатлам сувларига юқори ҳароратли эндоген флюидалари қўшилиши, Вг нинг ер ости сувларидаги миқдори унинг минерализациядаги функциясини белгилайди. Хусусан бром юқори ҳароратли (>100 °C) сувлардан кам миқдорда ўтади, юқори ҳароратли гидротермалардаги унинг ута паст миқдори ҳам шуни кўрсатади.

Бор бирикмаси эритмаларда бром бирикмасига нисбатан фарқли улароқ, ҳарорат ошиши билан шиддатли кўпаяди, шунинг учун унинг миқдори юқори ҳароратли гидротермаларда доимо баланд, баъзан 600-800 мг/л (ўртача 150-200 мг/л хлор-натрийли эритмаларда). Бундан ташқари борнинг газ буғли аралашмалардан кўп миқдорда ўтиши аниқланган ва уларнинг жинслардан ажралиб чиқиши авваламбор ҳарорат омили билан назорат

қилинади. 200 °С ҳароратда чуқинди жинслар таркибидаги CO₂ иштирокидаги сув бўғидан 80% гача бор ҳайдаб чиқилади, ҳарорат ошиши билан эса жинслардан бор ажралиб чиқиши янада ортади. Бундан ташқари, табиий сувлардаги В/Вг миқдори тахлили шуни кўрсатадики альп бурмаланишидаги фаол тектоника ва ҳозирда ҳаракатдаги вулқонли гидротерма областларида В/Вг нисбати жуда катта миқдорда эканлиги кузатилган – 9,6 дан 45,4 гача (табл. 1).

Таблица 1

**Ҳозирги вулқонли ва тектоник фаол районлар
ҳароратли сувлари кимёвий таркиби кўрсаткичлари**

Компонент ва кимёвий таркиб кўрсаткич- лари, мг/л	Океан сувларини ўртача таркиби (Хорн,1972)	Янги Зеландия, Уайракей, 695м, T=260 °C	Камчатка, Паужет 350м, T=190 °C	Алехин манбаси, Кунашир ороли, T=54 °C	Сахалин, Сине- горск райони	Кичик Кавказ, Атаза- ван	Вьетнам, Белый тигр кони, 4300 м
Na+K	10880	1545	1060	205	6691,1	11670	Кимёвий таркиби формуласи $M_{5,1}Cl_{96}SO_{4,2}$ $HCO_3^{1,6}$ (Na+K) ⁸³ Ca ¹⁶ Mg ¹
Mg	1300	0,03	7	6,7	208	89	
Ca	400	17	119	190	260	738	
Cl	19300	2260	1470	170,2	6195,1	18000	
SO ₄	2701	36	164	636,2	36,0	491	
HCO ₃	143	19	61	56,8	8944	2140	
I	0,05	0,3	0	0,02	12,8	13,4	
Br	65	6,0	2,8	0,8	31,9	60,4	7,2
HBO ₂	4,6; 5,0-12,0	117	127	8,8	572,5	576	147,2
Минерализ.	35500	4000,3	2507,8	1344	22951,4	33777,8	5100
В/Вг	0,07-0,18	19,5	45,4	11,0	17,8	9,6	20,4

БХНГР юра ва бўр ётқизиқлари қатлам сувлари кимёвий таркибида ҳам В/Вг нисбатининг чуқурликда кўп ҳолларда нисбатан юқори эканлигини, ҳатто 13,2 гача (Памук конида) кўпайиши кузатилади, бу ҳолат қатлам сувлари гидрокимёси тузилиш таркибига дарзликлардан кўтарилаётган юқори ҳароратли чуқур гидротермал флюидлар иштироки таъсиридан дарак бўлиб, улар УВ генерация ва миграция жараёнларининг фаол иштирокчиси ҳисобланади. Шуни таъкидлаш жоизки, регион мезозой ётқизиқлари ер ости сувлари таркибида В/Вг нисбати ортган ҳолларда кўпинча аномал миқдордаги енгил учувчан NH₄, He каби компонентлари ҳам бирга учраши кузатилади. Бу ҳолни, яъни юқорида келтирилган енгил учувчан эҳлементларнинг қатлам сувларида учрашини чуқур дарзликлар қошида кечадиган гидродинамик жараёнлар индикатори деб қараш мумкин.

Чўқинди қопламаси пастки горизонтларига юқори ҳароратли эндоген флюидларнинг кўшилиши натижасида ер ости сувлари таркибида бор-бром нисбати ва енгил учувчан компонентларнинг кўпайиши ҳамда инверсион сувларнинг пайдо бўлиши қидирув мезонлари деб қабул қилинади, улар ўз навбатида геологик кесманинг чуқур горизонтларида УВ уюмларини топиш эҳтимоли мавжудлигини кафолатлайди.

БХНГР мезозой босимли сув системаси флюидларнинг вертикал ва латерал гидрокимёвий зоналанишига аниқлик киритиш мақсадида илк бор кўшимча ёндашув ва кўрсаткичлардан фойдаланиб, юра ва бўр ётқизиқлари

ер ости сувлари кимёвий таркиби характеристикалари статистик ҳисоблашлар асосида (меъёрлашган қиймат) ўрганилди. Жумладан, қатлам сувлари кимёвий таркиби, минерализацияси ва уларнинг нисбий характеристикалари, яъни денгиз химиясида кенг ва мувафаққиятли фойдаланилаётган – «хлорга нисбати» кўриб чиқилди. Нисбий характеристика минерализация ва компонентлар кимёвий таркиби абсолют миқдори назорати учун ҳамда қатлам сувлари вертикал ва латерал зоналанишини алоҳида босимли сув комплекслари бўйича тавсифлашда ўта самаралидир. Бундан ташқари, йирик геологик структуралар характеристикалари нафақат айрим наъмуналар ёки скважиналар натижалари орқали, қолаверса ўрганилаётган ҳудуднинг алоҳида тектоник элементлари (кўтарилмалар, ботикликлар, участкалар, структуралар) орқали амалга оширилди.

Босимли сув комплекслари макро ва микрокомпонентлари ва генетик коэффицентлари меъёрий миқдорларини ўрганиш орқали юра ва бўр ётқизиклари қатлам сувларининг статистик асосланган кимёвий таркиби характеристикалари ўрнатилди, бу эса ер ости сувлари кимёвий таркибининг вертикал ва латерал ўзгаришини англаш, флюидлар миграциясини баҳолаш ҳамда уларнинг УВ генерацияси жараёнинга таъсирини билиш имконини берди. Бундай зоналар Бухоро поғанаси Газли кўтарилмаси, Азизлартепа силжиш зонаси ва Чоржуй поғанасида – Кулбешкак, Култак, Қандим, Денгизкул кўтарилмалари ва Бешкент ботиклиги ҳудудларида аниқланган. Бундан ташқари Муллахол, Шимолий Сузма, Оққум майдонларида мезозой ётқизикларининг палеозой комплекси жинслари билан ҳам гидрокимёвий зоналаниши мавжудлиги аниқланди, яъни деярли бутун чўкинди қопламаси комплекслари бўйлаб тик туташув зоналари мавжудлиги ўрнатилди. Ер ости сувлари гидродинамик туташуви (очик) горизонтал ҳамда вертикал йўналишларда, флюидлар миграциясининг бир гидродинамик зонадан иккинчисига ўтишига имкон туғдириш эҳтимоли исботланди.

Ер ости сувлари кимёвий элементлари миграцияси, УВ ва умуман ер ости флюидлар динамикаси ҳамда кимёвий таркиблари яхлитлиги муҳим омиллардан бири бўлиб, маълум геологик шароитли жойларда нефтгаз қидирувида катта аҳамият касб этади.

Диссертациянинг бешинчи **«Бухоро-Хива нефтгазли региони юра ва бўр ётқизиклари ер ости сувларига йўлдош гидроминерал ресурслар»** бобида нефть ва газ конлари сувларига йўлдош бўлган саноат ва минерал сувлари манъбалари сифатида ва уларнинг саноат миқёсидаги аҳамияти кўрилган.

Ўрганилаётган ҳудуд мезозой ётқизиклари қатлам сувлари ҳар хил минерал тузлар, микрокомпонентлар ва камёб элементлар билан тўйинган мураккаб эритмалардан иборат. Қатлам сувлари ва УВ уюмлари туташ ҳолда ер қаърида ётиши, уларнинг ўзаро ҳаракати узвийлиги ҳамда УВ уюмлари ва тоғ жинсларининг биргаликдаги ер ости сувларига таъсири уларнинг кимёвий таркиби ўзгаришига олиб келган.

Материалларни ўрганиш асосида тоғ жинслари-УВ-ер ости сувлари системасидаги маълум гидрохимёвий ҳолатларда, микрокомпонентлар ва камёб металллар тарқалиши, уларнинг юқори концентрацияли бирикмалари кўп ҳолларда УВ уюмлари билан боғлиқлиги аниқланган. Бундай ҳолатлар БХНГР конлар ва структураларда, хусусан юра босимли сув қатлам сувларида ўрнатилди. Камёб элементлардаги миқдорий ўзгаришлар нефть ва сув туташуви (НСТ) ҳамда газ ва сув туташуви (ГСТ) гача ёки УВ уюмлари чегарасига яқин бўлган масофаларга бевосита боғлиқлиги аниқланди, бу ўз навбатида маҳаллий структура ва участкалар нефтьгазлилиги башоратида қидирув аҳамиятига эга бўлган кўрсаткич сифатида фойдаланиш имконини беради.

Регионнинг чуқур горизонтлари ер ости сувлари таркибида тарқалган турли микрокомпонент ва камёб элементлар, кўп ҳолларда ҳозирда маълум бўлган ёки ишлаб турган нефть ва газ конлари сувларида аниқланган. Уларнинг қиймати аксарият ҳолларда минимал саноат концентрациясидан (МСК) ортади. Шунинг учун, диссертацияда жорий талаблар ва комплекс ишлаб чиқариш принципларидан келиб чиққан ҳолда газсимон ва суюқ УВ конлари қатлам сувлари, таркибидан юқори миқдорли қиммат баҳо элементларни чиқариб оладиган потенциал манъба сифатида ўрганилди.

Чоржуй поғанасида, хлор-кальцийли таркибдаги юра ётқизиклари шўр сувларида (100-150 г/л) кенг оралиғдаги микрокомпонентлар миқдори (мг/л): йод 1,0 дан 116 гача (Жанубий Зекри); бром 8,1 дан 1424 гача (Жанубий Кемачи) ва бор оксиди 1337 (Шуртан) ҳамда 2440 (Жанубий Зекри) аниқланди. Шунингдек Хожиқозган, Учбурган, Шим.Сузма, Қандим, Денгизкул-Хаузақ-Шоди, Шим. Денгизкуль, Чандир, Зеварди, Арниез, Янги Каратепа ва Феруза конлари ер ости сувларида юқори миқдорли йод – 22,7-91,9 мг/л, бром – 244,8-1650,0 мг/л ва бор – 270,0-1436,0 мг/л микрокомпонентлар аниқланди.

Юқори юра ётқизиклари қатлам сувларидаги шўр ва ўта шўр (200-250г/л ва кўпроқ) хлор-кальцийли сувларда (Қулбешкак, Қандим, Испанли-Чандир, Денгизкул кўтарилмалари ва Қоракул, Бешкент ботиқликларида) йоднинг қиймати 10,2 дан 65,5 мг/л гача етади (Қулбешкак, Ҳаққул, Тайлоқ, Дивалкак, Чандир, Ғарбий Кокчи, Нишон, Манғит, Илим конлари), баъзан эса ундан ҳам ошган миқдорлар: йод – 99,9 мг/л (Шим.Уртабулак), бром – 277,0 дан 1292,9 мг/л гача (Тайлоқ, Ҳаққул) ҳамда бор оксиди – 35,0 мг/л дан 1989,0 мг/л гача (Алан, Шим.Ўртабулоқ) қайд этилди.

Бухоро поғанаси юқори юра ётқизиклари қатлам сувларида (минерализацияси 50-150 г/л шўр сувли зоналар) литийнинг миқдори анча юқори – 12,0 дан 40,2 мг/л гача (Чуқуркул, Жонгул, Пролетаробод-Ходжикаб, Ғарбий Сарича, Ғарбий Тошли). Чоржуй поғанасида минерализацияси 150-250 г/л қатлам сувларида литийнинг миқдори кенг улчамда ўзгаради. Шимолий Чистон майдонида қуйи миқдордан (0,375 мг/л), Ғарби, Шим. Сузма, Ўзуншор, Шим. Нишон ва Шим. Ғуззор конларида

(50,0–75,9 мг/л) юқори микдоргача, яъни. МСК дан анча юқори бўлган қийматлари аниқланган.

Рубидийнинг тарқалиши шуни кўрсатадики, унинг микдори ер ости сувлари минерализацияси и метаморфизацияси ортиши билан кўпаяр экан. Минерализацияси 100–150 г/л гидрохимёвий зоналар учун, характерли бўлган Тузқўй, Рометан, Қаракул, Бешкент ботикликлари ва Қулбешкак, Қандим кўтарилмаларида Rb – 1,7 дан 6,9 мг/л гача бўлган юқори микдорли қийматлари аниқланди. Денгизкул ва Испанли-Чандир кўтарилмаларида (Хаузак, Шоди, Денгизкул, Сарикум конларида) – 13,2 мг/л дан 42,0 мг/л гача, ҳамда Бешкент ботиклиги Кенгсой майдонида – 15,97 мг/л бўлган аномаль юқори микдорлари аниқланди.

Юра босимли сув комплексининг минерализацияси 50 г/л кам бўлган қатлам сувларида цезийнинг микдори нишондан кларкгача ва ҳатто кўпроқ – 0,12 мг/л. Қатлам сувлари чуқурлиги ва минерализацияси ошиши билан Cs концентрацияси сезиларли даражада – 1,2 мг/л гача кўпаяди (Кенгсой). Цезийнинг жойларда нотекис тарқалишига қарамай унинг концентрацияси ортиши, хусусан УВ уюмлари контурига яқинлашиши билан юз бериши кузатилди.

Минерализацияси <50 ва 50–100 г/л бўлган қатлам сувларида стронций концентрацияси нисбатан пастроқ микдорда (82,2–272,7 мг/л) учрайди, Узуншор кони ва Шимолий Нишон конлари бундан мустасно (604 ва 644 мг/л). Стронцийнинг юқори микдори шўр ва ўта шўр сувли қуйидаги конларда аниқланди (мг/л): Алан – 500; Жан. Қулбешкак – 500; Қандим – 603; Ҳожи – 788; Ўртабулоқ – 1085; Ҳаққул – 1500; Шимолий Сузма – 1500; Ҳожиқозган – 2053; Парсанкул – 4009.

Юра босимли сув комплексида молибденнинг микдори 0,00009 мг/л дан 0,033 мг/л гача бўлган қийматни ташкил этади ва айрим майдонларда (Кенгсой ва Хамал) унинг микдори МСК ошади (1,03–3,0 мг/л).

Германийнинг сувдаги микдори эса нишондан бошланиб, 0,0038 мг/л гача ўзгаради, жумладан Ғарби конида 0,8 мг/л ташкил этади. Қулбешкак кўтарилмасида (Шим.Сузма, Ҳаққул, Жан. Қулбешкак) шўр ва ўта шўр сувларда Ge нинг юқори микдори (1,0–4,0 мг/л) аниқланди. Скандийнинг юқори микдори эса Денгизкул кўтарилмасидаги нефтгазконденсат конларида (Ўртабулоқ, Умид, Курук, Жан.Кемачи) кузатилди.

Нодир металлар (Au) минерализацияси 50–150 г/л қатлам сувларида пастроқ кўрсаткичда (0001 мг/л) бўлиб, қуйида келтирилган конларда эса унинг микдори МСК зиёдлиги аниқланган (мг/л): Шимолий Дарбоза – 0,004, Шаркий Испанлы – 0,02, Шим. Ғузор – 0,017 ва Шимолий Оқназар – 1,3. Олтиннинг саноат миқёсидаги микдори Қултак кўтарилмаси ва Бешкент ботиклигидаги қуйидаги конларнинг шўр ва ўта шўр сувларида ҳам аниқланди (Алан – 0,027 мг/л, Манғит – 0,008 мг/л, Феруза – 0,55 мг/л, Янги Қоратепа – 3,8 мг/л).

Тадқиқот олиб борилаётган ҳудуд юра босимли сувлари таркибидаги калий ўрганилганда, қишлоқ хўжалиги ва кимё саноати учун зарур бўлган

калийли концентрация миқдори ута юқори эканлигини аниқланди. Қумли, Қандим, Чегарақум, Шим. Дарбоза, Юмай, Фарбий Алан, Янги Қоратепа конлари ер ости сувлари таркибида калийнинг миқдори саноат миқёсида (178,1-1620,6 мг/л) эканлиги аниқланди. Кенгсой майдонида эса унинг концентрацияси 10000 мг/л ташкил этади, ёки МСК миқдоридан юз маротаба ортиқлиги қайд этилди.

Юра босимли сув комплекси микрокомпонентлар, камёб ва ноёб элементлар учун характерли бўлиб, қатор майдон ва конларда уларнинг айримлари ута юқори ўлчамларда, яъни МСК дан ун ва ҳатто юз марта ортиқ бўлган қийматлари ўрнатилди. (табл. 2).

Таблица 2

**БХНГР конлари ва майдонлари юра босимли сув комплексида
саноат миқёсидаги микроэлементларнинг тарқалиши**

Микрокомпонентлар бўйича, (мг/л)	Камёб элементлар бўйича, (мг/л)
Даутепа – J = 61,0; Br = 383,6 Қулбешкак, Ҳаққул – J = 27,5-15,35; Br= 591,5-1292,9; B ₂ O ₃ = 337,0-1003,9 Ш.Сузма – J=35,7; Br= 436; B ₂ O ₃ =619,2 Ж.Зекри – J=116; Br=1265; B ₂ O ₃ =2440 Ш.Ўртабулоқ J=55,6; Br=329; B ₂ O ₃ =1989 Ж. Кемачи – J=20,6; Br=1207; B ₂ O ₃ =1014 Хаузақ – J = 41,4; Br = 372; B ₂ O ₃ = 543,4 Зеварди – J = 77,6; Br =1571; B ₂ O ₃ =898 Тошли – J = 40,0; Br = 2609; B ₂ O ₃ = 179 Алан – J=17,4; Br =1292,9; B ₂ O ₃ =224,8 Пирназар – J =70,35; Br=373,9; B ₂ O ₃ =473 Шуртан – J =54; Br =357,8; B ₂ O ₃ = 1337 Хожиқозган, Учбурган, Ш.Денгизкул, Крук, Умид, Чандир, Арниез, Қандым, Жарчи, Манғит, Нишон, Илим, Феруза Янги Қоратепа – J = 22,7-91,9; Br = 244,8-1650,0; B ₂ O ₃ = 270,0-1436,0	Ш.Сузма – Li = 50,0; Rb = 4,5; Cs = 1,5; Sr = 1500 Ж.Қулбешкак – Rb = 2,6; Ge = 4,0 Ҳаққул – Li = 43,0; Sr = 1500; Ge = 1,0 Қумли – Rb = 2,9; Au = 0,016; W = 7,0 Денгизкул – Rb = 42,0 Ш.Ўртабулоқ – Li =25,5, Rb = 2,15, Au = 0,01 Ж. Ўртабулоқ – Li = 15; Rb = 1,5; Co = 11,0; Узуншор – Rb = 6,9; Sr = 604 Алан – Rb =13; Au= 0,027; Ga =0,5; Mn =100,0 Шимолий Култак – Rb = 3,3; Mn = 47,0 Шимолий Оқназар – Au = 1,3 Феруза – Rb = 1,7; Au = 0,55 Парсанкул – Sr = 4009,0 Янги Қоратепа – Li=51; Rb=4; Co=0,24; Au=3,8 Ш. Ғузор – Li =5,9; Rb=3,3; Au=0,008; Cs=1,3 Ҳамал – Rb = 6,2; W = 5,5; Mo = 3,0 Қувачи – Li = 44,5; Cs = 0,73 Кенгсой – Rb = 15,9; Cs=1,2; K=10000; Mo=3,0

БХНГР худудида бўр босимли сув комплекси ер ости сувлари ҳам саноат суви сифатида истиқболли ҳисобланади. Неоком-апт горизонтлари қатлам сувларида (Янгиқозган, Аузбой, Аладагир, Шўрбулак, Муллахол, Қулбешкак, Памук, Култак майдонларида) йод, бром, бор, рубидий, цезий, стронций ва германийларнинг саноат миқдоридаги концентрацияси аниқланган.

Бўр ётқизиклари қатлам сувлари шифобахш минерал сувлар сифатида ҳам бебаҳо табиий ресурс ҳисобланиб, тирик организм учун фойдали бўлган кўплаб фойдали элементлар билан тўйинган, шифобахш хусусиятларга эга ер ости минерал сувлари сирасига киради. Ситораи Мохи-Хоса, Жўйзор, Иссиқсув, Хўжақудук, Муборак сихатгоҳлари ва физотерапевтик шифохоналарида фойдаланилаётган минерал сувлар азотли-ишқорли термал, кам минералли азотли, хлор-сульфатли шифобахш сувлар груҳига мансуб

бўлиб, неоком-апт, альб-сеноман ва турон-сенон сувли горизонтлар махсули ҳисобланади. Пролетаробад, Хоузак, Чуқуркул (шифобахш-йод-бромли), Чандыр, Тегермон (шифобахш-сульфидли) ва Қамаш, Сардоба (шифобахш-олтингургуртли) майдонларида турли шифобахш хусусиятли минерал сувлар, хусусан бўр ётқизиклари қатлам сувларида аниқланган.

Умумий қилиб таъкидлаганда, БХНГР юра ва бўр ётқизиклари ер ости сувларидан саноат ва минерал сувлари сифатида фойдаланишнинг кенг ва истиқболли имкониятлари мавжуд. Йўлдош сувлардан гидроминерал хом ашёси сифатида фойдаланиш долзарб бўлиб, кам сарф билан, қўшимча қиммат товар махсулотлари олиш эвазига, асосий қазиб олинаётган фойдали қазилмалар таннархини пасайтириш билан бирга, кейинчалик тозаланган сувдан техник мақсадларда ва суғориш ишларида фойдаланиш имкониятлари туғилади. Бинобарин, йўлдош саноат сувларидан унумли фойдаланиш катта иқтисодий самарадан ташқари, экологик муҳит сақланишини ҳам таъминлайди.

Диссертациянинг олтинчи «**Бухора-Хива нефтегазли региони мезозой ётқизикларида нефтегазлилик истиқболнинг шаклланишида гидрогеологик омилларнинг роли**» бобида тадқиқот олиб борилаётган ҳудудда ГҚИ асосий йўналишини белгилаш ва уларнинг самарасини ошириш учун нефтгазлилик истиқболи гидрогеологик мезонлар замирида асосланган. Кенг қамровдаги назарий ва амалий материаллар таҳлили орқали нефть ва газ конлари ҳосил бўлишида ер ости сувларининг иштироки борасидаги мавжуд тасаввурлар етарлича тўлиқ кўрилди ва тўлдирилди, гидрогеологик усуллар билан нефть ва газ конларини топишнинг назарий имкониятлари тасдиқланди.

Диссертация ишида тақлиф этилаётган гидрокимёвий ва гиродинамик тадқиқотлар сузсиз катта устунликларга эга бўлиб, кўрилаётган гидрогеологик жиҳатлар олдинги аспектлар, яъни литологик-фацнал, сртуруктурувий-тектоник, геохимёвий ва геофизик таҳлилларига таянган.

БХНГР мезозой ётқизиклари нефтгазлилик истиқболи башоратлари мақсадида гидрокимёвий ва гиродинамик мезонлардан фойдаланиб, ўрганилаётган ҳудудда УВ уюмлари ҳосил бўлиши ва сақланиши учун қулай бўлган қуйидаги гидрогеологик шароитлар ўрнатилди.

1. Гидрокимёвий мезонлар:

- юра ва бўр ётқизиклари қатлам сувлари кимёвий таркиби, метаморфизацияси ўтмишдан мерослиги, босимли сув системаси участкаларида ҳозирги гидрокимёвий зоналанишига мос келадиган, қадимги ва ҳозирги инфильтрациядан ўзоқлашган (юқори минерализацияли, метаморфизацияли, СЭОМ микдори баланд ва паст сульфатли ер ости сувлари) факторлар тасдиқланди;

- юра ва бўр босимли сув қатлам сувларида В/Вг нисбати микдори ортиши ва минерализациясида инверсия ҳолати қайд этилди;

- юра ва бўр ётқизиклари ер ости сувларида флюидлар миграциясига таъсир кўрсатувчи вертикал ва латерал гидрокимёвий зоналар мавжудлиги ўрнатилди;

- ер ости саноат сувларининг УВ уюмлари билан ўзаро боғланиши борлиги аниқланди;

- қуйи-ўрта юра ва қуйи бўр ётқизикларининг регионал нефтгазга истиқболлиги литологик, структуравий-тектоник ва гидродинамик типлардаги УВ хом ашёси тутқичлари мисолида баҳоланди

2. Гидродинамик мезонлар:

- ер ости сувлари сизиб ўтиши билан боғлиқ участкаларда, яъни чизма схемаларда гидравлик босим изолинияси «ёпиқ пасайишли» зона ҳосил қилган (Газли, Когон, Қулбешкак, Қандим кўтарилмалари ва Бешкент ботиқлиги) ҳудудларда;

- тектоник ва литологик экранлар билан боғлиқ гидродинамик аномалиялар – ёпилмаган формадаги гидроизопьезли (Денгизкул, Испанли-Чандир ва Култак кўтарилмалари) ҳудудларда;

- паст гидравлик босимдаги гидродинамик зона (Учбош-Қарши дарзлиги бўйлаб);

- «гидродинамик бурунлар» тескари оқимли ёки оқим ўзгариши билан характерли (Бешкент ботиқлиги ҳудудида – Бўзахур, Мавлонқудуқ, Гирсан, Қорақир, Файзли, Илим, Хонобод, Чилқувар) майдонлар;

- пастда ётувчи юра ётқизикларидан, юқоридаги бўр ётқизикларига флюидлар миграцияси эҳтимоли мавжудлиги (Бўзахур ва Шим.Ғузур конлари районида);

- қурилган гидродинамик кесмалар моделлари асосида потенциал тутқичларда УВ уюмлари тўпланиш эҳтимоли бўлган гидродинамик шароитли (Файзли, Топичаксой, Иймон, Туйғу, Рубойи, Шеркент, Сирли, Наур структураларида) жойлар аниқланди.

ГҚИ самарасини ошириш мақсадида аниқланган гидрогеологик мезонларга таяниб ажратилган истиқболли майдонлар ва структуралар бўйича, УВ хом ашёсини топиш ва нефть ва газ захирасини ўстириш мақсадида пармалаш ва геофизика ишлари қўйиш учун амалий таклифлар ишлаб чиқилди:

1. Когон, Қулбешкак, Қандим, Испанли-Чандир ва Култак кўтарилмалари ҳудудларида В/Вг нисбати ва ер ости сувлари гидрокимёвий таркиби миёрлашган қийматларини ўрганиш асосида флюидалар вертикал ва латерал миграцияси жараёни белгилари ўрнатилганлиги асосида, мазкур ҳудудларда ГҚИ давом этдириш таклиф қилинди.

2. Ер ости қатлам сувлари вертикал туташуви флюидлар миграциясига таъсир кўрсатиши инобатга олиниб, Муллахол, Шимолий Сузма, Оққум майдонларида палеозой, юра ва бўр ётқизиклари нефтгазлилигини ўрганиш учун параметрик қудуқ қўйиш ижобий баҳоланди.

3. Бешкент ботиқлигида бўлажак қидирув ишларини Иймон, Гирсан, Қорақир, Чилқувар, Ғарбий Майманак, Айзоват, Илим, Хонобад, Файзли, Туйғу, Мавлонқудук, Топичоксой майдонларига йўналтириш мақсадга мувофиқ, бинобарин юра терриген ва карбонат формациялари ҳамда юқори юра ва қуйи бўр кесмалари (Бузахур ва Шим.Ғузор майдонлари) литологик-стратиграфик комплекслари нефть ва газга махсулдорлиги гидрогеологик мезонлар бўйича яна бир бор тасдиқланди. Бироқ, яқин келажакда, аввалги каби юра комплекси карбонат ётқизиклар кўпроқ истиқболли бўлиб қолади. Шу билан бирга, қуйи-ўрта юра ва бўр даври терриген ётқизикларининг структурали, литологик, тектоник ва гидродинамик типдаги тутқичларига алоҳида эътиборни қаратиш лозим бўлади.

4. Гидродинамик нуқтаи назардан, ўзининг маълум бир гидрогеологик хусусиятлари билан алоҳида геологик жисм деб қаралган, паст потенциал энергияли зоналардан иборат, тутқичларда УВ хом ашёси йиғилиш эҳтимоли бўлган Учбош-Қарши дарзлиги (жануб қисми) бўйлаб геофизика ишлари (гравиметрия, электро-сейсмо қидирув комплексларида) қўйиш таклифи киритилди.

5. Файзли, Топичаксой, Иймон, Туйғу структураларида навбатдаги излов-қидирув қудуқлари қўйиш жойи таклиф этилди. Геологик-гидрогеологик синтез асосида диссертант қидирув ишлари олиб борилаётган қатор структура ва конларга (Рубойй, Шеркент, Сирли, Наур) гидродинамик моделлар орқали аниқланган тутқичларга асосланиб, ўз вақтида расман берилган тавсиялар, кейинги йилларда нефть ва газга бўлган излов-қидирув ишлари истиқболли йўналишини аниқлашда тадбиқ этилди.

БХНГР мезозой босимли сув системаси гидрогеологик хусусиятлари тадқиқоти орқали айрим майдон ва структуралар махсулдорлиги истиқболини гидрогеологик мезонлар негизида асослаш имконияти туғилди. Бу борада юра ва бўр ётқизикларининг турли типдаги тутқичлари бирикувида, нефть ва газга истиқболли, амалий жиҳатдан бутунлай янги гидрокимёвий ва гидродинамик хулосалар қилинди. Бинобарин, нефть ва газ бўйича геология-геофизика маълумотларига таяниб, майдонларга излов-қидирув ишлари қўйишда кўриладиган сўнги масала, гидрогеологик тадқиқотлар натижаларидан келиб чиқадиган тавсияларни инобатга олишдан иборат.

ХУЛОСА

Ўтказилган тадқиқотлар асосида илмий ва назарий аҳамиятга эга бўлган қуйидаги хулосалар қилинди:

1. Тадқиқот олиб борилаётган ҳудуд мезозой ётқизиклари ер ости сувлари юқори минераллашган, метаморфизациялашган, сидементоген сувли, таркибида талайгина газ, СЭОМ, микрокомпонент кўрсаткичлари мавжуд бўлган, гидрогеологик ёпиқ ва турғун гидрогеологик режимдаги, УВ

уюмлари тўпланиши ва сақланишига қулай имкон туғдирувчи гидрокимёвий зоналардан иборат.

2. БХНГР юра ва бўр ётқизиклари қатлам сувларида аниқланган В/Вг нисбий қийматининг океан сувларига нисбатан кўплиги, жойларда ер ости сувлари гидрокимёсининг шаклланишида чуқурликдан дарзликлар орқали кўтарилган юқори ҳароратли флюидлар иштирокидан дарак берувчи, кимёвий таркибида енгил учувчан хусусиятли (бром, симоб, аммоний, гелий) компонентлар борлиги билан ифодаланади. Чўкинди қопламаси қуйи горизонтларидан ёки фундаментдан келувчи бўғли-газсимон флюидларга хос енгил-учувчан компонентлар концентрацияси қатлам сувлари таркибида мавжудлиги, геодинамик жараёнлар индикатори деб қаралади.

3. Юра ётқизикларида СЭОМ миқдорининг тутқичлар махсулдорлиги билан барқарор боғлиқлиги баҳоланди, бу эса нефтегазлиликнинг умумий қонуниятларида акс этган кимёвий-органик кўрсаткичлар ишончлилигини оширади. СЭОМ нинг максимал миқдорлари Оққум, Қумли, Хожи, Олот, Узуншор, Чандир, Гавана, Умид, Чегара, Юмай, Алан, Памуқ, Чилкувар, Қамаш, Феруза, Илим, Мезон ва бошқа майдонлар ҳудудларида ўрнатилди.

4. Илк бор регион юра ва бўр ётқизиклари қатлам сувларининг кимёвий таркиби, статистик асосда, сонли характеристикалар орқали (меъёрий қиймат) ифодаланиши, вертикал ва латерал йўналишлар бўйлаб кимёвий таркибнинг ўзгаришини аниқлаш ҳамда гидрокимёвий зоналаниш ва флюидлар миграциясини баҳолаш имкониятларини берди. Бундай зоналар Бухоро ГГО (Газли кўтарилмаси, Азизлартепа силжиш зонаси ҳудудларида) ва Чоржуй ГГО – (Кулбешкак, Қандим, Денгизкул, Култак кўтарилмалари ва Бешкент ботиқлиги ҳудудларида) аниқланди. Кесманинг излов-қидирув қудуқлари билан яхшироқ ўрганилган қисмида, мезозой ётқизикларининг остки палеозой комплекси жинслари билан ҳам ўзаро гидрокимёвий зоналаниши борлиги аниқланди. Натижада Муллахол, Шим.Сузма, Оққум майдонлари ҳудудларидаги вертикал гидрокимёвий туташув, деярли бутун чўкинди қопламаси комплекслари бўйича ўрнатилди. Ер ости сувларидаги гидрокимёвий туташув (очиқлик) флюидлар миграциясига бевосита таъсир кўрсатиб, уларнинг ҳам горизонтал, ҳам вертикал йўналишларда бир гидрокимёвий зонадан иккинчисига ўтишига замин яратади.

5. УВ уюмлари ҳосил бўлиши ва жойлашуви учун қулай гидродинамик шароитга эга бўлган Газли, Когон, Кулбешкак, Қандим кўтарилмалари ва Бешкент ботиқлиги ҳудудларида қатлам сувлари гидравлик босимининг «ёпиқ пасайиши» билан боғлиқ ҳамда Денгизкул, Испанли-Чандир ва Култак кўтарилмалари ҳудудларида тектоник ва литологик экранларга боғлиқ пьезоминимумли аномалиялар ўрнатилди.

6. Бешкент ботиқлиги ҳудудларида (Бузахур, Мавлонқудуқ, Гирсан, Қарақир, Файзли, Илим, Хонобод, Чилкувар майдонлари) оқимлар ўзгариши билан характерли, УВ тўпланиши учун қулай бўлган

«гидродинамик бурунлар» аниқланди. Учбош-Қарши дарзликлари бўйлаб УВ хом ашёси қопқонлари ҳосил бўлишига имкон туғдирувчи гидравлик босими паст бўлган, қулай потенциал энергияли зона чегараланди.

7. Гидродинамик моделлар асосида Файзли, Топичаксой, Иймон, Туйғу, Рубойй, Шеркент, Сирли, Наур структураларида потенциал УВ ли тутқичлар тавсия этилди.

8. БХНГР мезозой босимли сув системаси ер ости сувларидаги юқори концентрацияли микрокомпонентлар ва камёб элементлар регионал куламда тарқалганлиги ва саноатдаги аҳамияти билан ажралиб туради, ҳамда УВ йўлдоши ҳисобланади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ DSc
27.06.2017.GM/T/41.01 ПРИ ИНСТИТУТЕ ГЕОЛОГИИ И РАЗВЕДКИ
НЕФТЯНЫХ И ГАЗОВЫХ МЕСТОРОЖДЕНИЙ, УЗБЕКСКОМ
НАУЧНО-ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКОМ И ПРОЕКТНОМ ИНСТИТУТЕ
НЕФТИ И ГАЗА, ТАШКЕНТСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ
ТЕХНИЧЕСКОМ УНИВЕРСИТЕТЕ, ФИЛИАЛЕ РОССИЙСКОГО
ГОСУДАРСТВЕННОГО УНИВЕРСИТЕТА НЕФТИ И ГАЗА им.
И.М. ГУБКИНА**

**ИНСТИТУТ ГЕОЛОГИИ И РАЗВЕДКИ НЕФТЯНЫХ И ГАЗОВЫХ
МЕСТОРОЖДЕНИЙ**

ШОЙМУРотов туйчи халикулович

**ГИДРОГЕОЛОГИЧЕСКИЕ КРИТЕРИИ НЕФТЕГАЗОНОСНОСТИ
МЕЗОЗОЙСКОЙ ВОДОНАПОРНОЙ СИСТЕМЫ
БУХАРО-ХИВИНСКОГО РЕГИОНА**

04.00.07 – Геология, поиски и разведка нефтяных и газовых месторождений

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ
ДОКТОРА ГЕОЛОГО-МИНЕРАЛОГИЧЕСКИХ НАУК (DSc)**

Ташкент – 2018

Тема диссертации доктора наук (DSc) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером B2018.3.DSc/GM34.

Докторская диссертация выполнена в Институте геологии и разведки нефтяных и газовых месторождений.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.ing.uz) и Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziynet.uz).

Научный консультант:

Абдуллаев Гайбулла Сайфуллаевич
доктор геолого-минералогических наук,
профессор

Официальные оппоненты:

Бакиев Саиднасим Алимович
доктор геолого-минералогических наук

Хусанов Султонбой Тухтаевич
доктор геолого-минералогических наук

Хабибуллаев Иброхим Хабибуллаевич
доктор технических наук, профессор

Ведущая организация:

Институт геологии и геофизики

Защита диссертации состоится « 8 » ноября 2018 г. в « 10⁰⁰ » часов на заседании Научного совета по присуждению ученых степеней DSc.27.06.2017.GM/T.41.01 при Институте геологии и разведки нефтяных и газовых месторождений, Узбекском научно-исследовательском и проектном институте нефти и газа, Ташкентском государственном техническом университете, филиале Российского государственного университета нефти и газа им. И.М. Губкина по адресу: 100059, г.Ташкент, ул. Шота Руставели, 114. Тел.: (+99871) 253-09-78, факс: (+99871) 250-92-15, e-mail: igimigm@ing.uz

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Института геологии и разведки нефтяных и газовых месторождений (зарегистрировано за № 3833). Адрес: 100059, г.Ташкент, ул. Шота Руставели, 114. Тел.: (+99871) 253-09-78, факс: (+99871) 250-32-15, e-mail: igimigm@ing.uz

Автореферат диссертации разослан «19» октября 2018 г.
(реестр Протокола рассылки №1 от 18 сентября 2018 г.).

Ю.И. Иргашев

Председатель Научного совета по присуждению
ученой степени, д.г.-м.н., профессор

М.Г. Юлдашева

Ученый секретарь Научного совета по присуждению
ученой степени, к.г.-м.н.

Ф.Г. Долгополов

Председатель научного семинара при Научном совете
по присуждению ученой степени, д.г.-м.н.

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора наук (DSc))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В настоящее время в мире обеспечение прироста запасов нефти и газа осуществляется, в основном, за счет увеличения объема поисков углеводородного (УВ) сырья путем активного внедрения результатов научных исследований в практику геологоразведочных работ (ГРР). В связи с возросшими потребностями различной сфере промышленности в природном газе и нефти для увеличения базы УВ-сырья приоритетной задачей нефтегазовой геологии стало определение перспектив нефтегазоносности новых территорий, основанное на анализе комплекса геологических материалов и в частности – результаты гидрогеологических исследований.

В мире особое внимание уделяется познанию процессов формирования нефтяных и газовых месторождений, целью которых является детальная разработка проблемы генезиса УВ и особенно тех ее аспектов, которые связаны с установлением закономерностей формирования, миграции и пространственного размещения УВ-залежей. Для решения данной проблемы разрабатываются различные направления, в частности: выявлены закономерности накопления различных типов осадков; установлены этапы истории тектонического развития регионов; обоснованы роли гидрогеохимической и гидрогеологической обстановок осадочных пород. Роль последней важна не только как среда, которая участвует в происхождении УВ, но и как фактор транспортировки нефти и газа по пористым горизонтам продуктивных толщ в ловушки, что является актуальной проблемой.

В республике особое внимание уделяется всестороннему развитию нефтегазовой отрасли в соответствии с разработанных программ и предпринимаемых в данном направлении мер решаются важные вопросы по интенсификации нефтяной и газовой промышленности, в том числе по наращиванию темпов ГРР, обеспечивающих высокий прирост запасов нефти и газа. В Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан¹ обозначены функции по «дальнейшей модернизации и диверсификации промышленности, путем перевода его на качественно новый уровень, направленные на опережающее развитие высокотехнологичных обрабатывающих отраслей...». Исходя из этого, такие вопросы, как определение закономерностей формирования и сохранения залежей нефти и газа, находящихся в контакте с подземными водами; изучение гидрохимии пластовых вод глубоких горизонтов; уточнение гидрохимической зональности подземных вод и их влияние на миграции флюидов; гидрогеологические критерии нефтегазоносности – с точки зрения их актуальности имеют большое научное и практическое значение.

¹ Указ Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 г. N УП-4947 «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» // Сборник законодательных документов Республики Узбекистан, 2017, №6.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит Выполнению задач, предусмотренных в Постановлении Президента Республики Узбекистан №ПП-2614 от 28 сентября 2016 г. «О мерах по увеличению производства готовой экспортоориентированной продукции на основе глубокой переработки углеводородного сырья на 2016–2020 годы» и №ПП-3373 от 3 ноября 2017г. «О мерах по реализации первого этапа Программы по увеличению добычи углеводородного сырья на 2017–2021 годы», в Указе Президента Республики Узбекистан №УП-4947 от 7 февраля 2017г. «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», а также в других нормативно-правовых документах, принятых в этой сфере.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий Республики Узбекистан. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики VIII. «Науки о земле» (геология, геофизика, сейсмология и переработка минерального сырья).

Обзор зарубежных научных исследований по теме диссертации². Научные исследования по изучению условий образования и миграции подземных флюидов и влияние гидрогеологической обстановки на скопление и сохранение УВ залежей осуществляется в ведущих научных центрах и высших образовательных учреждениях мира, в том числе: Калифорнийский и Стэнфордский университеты (США), Китайский нефтяной университет (КНР), University of New South Wales (Австралия), Всероссийский научно-исследовательский геологический нефтяной институт РАН, Западно-Сибирский филиал Института нефтегазовой геологии и геофизики СО РАН, НИПИ «Нефтегаз» (Российская Федерация), Институт геологии и разведки нефтяных и газовых месторождений (Узбекистан).

В результате исследований, проведенных по определению особенностей гидрохимии и гидродинамики пластовых вод в различных осадочных бассейнах мира, получен ряд научных и практических результатов, в том числе: разработана методика изучения поведения пластовых флюидов и влияния гидродинамической обстановки на скопление и сохранение залежей УВ (Калифорнийский и Стэнфордский университеты, США); обоснованы прогнозы нефтегазоносности по гидрогеологическим данным глубоко погруженных нефтегазоносных территорий, морского шельфа, районов интенсивного образования газогидратных скоплений (Китайский нефтяной университет, Китай; ВНИГНИ, Россия); выявлены органические вещества и микроэлементы в подземных водах, аргументировано их значение в процессе нефтегазообразования (University of New South Wales, Австралия), установлено участие подземных вод в миграции и аккумуляции УВ, а также обоснованы благоприятные зоны

² ²Обзор по теме диссертации разработан на основе следующих зарубежных источников: <http://earthpapers.net>; <http://www.ngtp.ru>; <http://www.geokniga.org/books>; <http://geologinfo.ru>; <https://www.niuif.ru> и др.

скрытой разгрузки, наличия гидродинамических барьеров (НИПИ «Нефтегаз» СО РАН, Россия).

В мире по нефтегазовой гидрогеологии по ряду приоритетных направлений проводятся исследования, в том числе: по созданию гидрогеологической модели нефтегазонакопления; поиску и разведке залежей нефти и газа на больших глубинах во флюидодинамических системах с неантиклинальными типами ловушек; разработке методов использования альтернативных источников углеводородов (водорастворенные газы, газогидраты, твердые битумы, и т.д.) и попутных нефтегазовых вод.

Степень изученности проблемы. Первые сведения о пластовых водах мезозойской водонапорной системы Бухаро-Хивинского нефтегазоносного региона (БХНГР) получены в нефтепоисковых скважинах треста «Бухаранефтегазразведка» (С.М. Киселев, 1940). Далее на всех этапах изучения геологии и нефтегазоносности рассматриваемой территории (М.Т.Бурак, О.К. Инжеватова, С.П. Корсаков, Б.А. Бедер и др.) большое внимание уделялось вопросам гидрохимии подземных вод глубоких горизонтов.

Из многочисленных исследований, характеризующих эволюцию представлений о гидрогеохимической зональности БХНГР, особого внимания заслуживают научные отчеты и публикации обобщающего характера В.В.Колодия, Л.Е.Михайлова, В.Н.Корценштейна, В.А.Кудрякова, Е.А. Барс, Я.А. Ходжакулиева, В.Н. Пашковского, С. Холдарова, С.Талипова, Т.Н. Авазова, М.И. Субботы, Т.И. Муминджанова и др.

В общем комплексе исследований установлены главные особенности формирования залежей нефти и газа, как элементов природных водонапорных систем: связь процессов формирования и разрушения УВ-скоплений с водонасыщенными горными породами, зависимость сохранности залежей УВ от современных и древних гидрогеологических условий, а также нефтегазопроисхождение различных компонентов химического состава подземных вод.

Вместе с тем ряд важных вопросов нефтегазовой гидрогеологии остаются слабо разработанными и дискуссионными. В частности, отсутствуют единые представления о типизации природных водонапорных систем и выявляемых гидродинамических аномалий. Недостаточно изучена проблема гидрохимической зональности подземных вод нижних горизонтов осадочного разреза и их взаимосвязи между собой. Определение вертикальной и латеральной зональности юрских и меловых водонапорных комплексов БХНГР носило эпизодический характер и на сегодняшний день они являются слабоизученными. Также мало уделялось внимания поискам залежей нефти и газа в гидродинамических ловушках.

В настоящее время имеется обширная информация о составе пластовых вод по исследуемой территории, анализ которой позволяет во многом по-новому представить структуру гидрогеохимического поля и понять механизм

формирования и размещения подземных флюидов. За последние годы в гидрогеологических исследованиях БХНГР произошли качественные и количественные изменения, связанные с расширением использования вероятно-статистических методов системного анализа при изучении гидрогеологических явлений и процессов. В практику гидрогеологических работ внедряются информационно-поисковые системы с учетом современных достижений в области гидрогеологии и основ традиционных методов обработки и анализа гидрогеологической информации.

В работе именно на этой основе производились все последующие исследования с целью детализации гидрогеологических построений с использованием в анализе дополнительных подходов и показателей по БХНГР. При изучении комплекса гидрогеологических показателей, условий формирования и сохранения залежей УВ в мезозойских отложениях региона, наряду с традиционными антиклинальными структурными ловушками, особое внимание уделено также выявлению моноклинальных, литологических, тектонических и гидродинамических типов ловушек УВ.

С учетом научной и практической важности подобных исследований в БХНГР и достигнутого уровня в изучении литолого-фациальной, структурно-тектонической, битуминологической и геохимической характеристик этого региона предпринята попытка детально изучить роль гидрогеологического фактора в формировании и размещении УВ-залежей с целью повышения эффективности ГРП на нефть и газ.

